



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Илхом Ачилович Усманов Қурилиш соҳасида ўз-ўзини тартибга солишнинг жаҳон тажрибасини қўллаш	76
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Мухим стратегик вазифаларни ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни	80
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида инновацияларни жорий этиш ҳолати ва истиқболлари	85
Насиба Раҳматуллаевна Эргашева Аутсорсинг хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Зарина Улугбековна Ташкенбаева Важность создания положительного имиджа туристических организаций на рынке	96
Бехзод Бахтиёр ўғли Бекназаров Маданий мерос объектларига ташриф буюрувчилар ҳолати ва таҳлили	100
Adxam Anvarovich Karshiyev Turizm sohasini strategik rivojlantirishning ahamiyati	106
Zokirjon Erkinovich Mamarasulov, Izzatillo Xikmatilloevich Shukurov Turistlar marshrutlari uchun ovqatlanish ratsionini takomillashtirish	110
Бекназар Абдуҳалилович Султонов Самарқанд вилоятида гастрономик туристлар хулқ-атвори таҳлили	115
Азиз Қаҳрамонович Тўхтамишов Туризм соҳасида кластерлар ривожланишининг омиллари ва йўналишлари	119
Хонкул Қаҳхарович Самаров Миллий маданий мерос объектларидан фойдаланиб туризмни ривожлантириш истиқболлари	124
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Gulnora Mardiyevna Shadiyeva The concept of "family economy", its development	129
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Шоира Азимовна Мусаева, Дилфуза Илхомовна Усмонова “Sam antep gilam” МЧЖида маркетингни бошқариш элементларини янада ривожлантириш йўллари	134
Абдуҳолик Эгамович Тангиров Бизнес-моделларини ишлаб чиқиш	140
Наврўзжон Тўхтамишович Маҳкамов Корхоналарни барқарор ривожлантиришда сифат менежменти тизимининг роли	145

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС

Илхом Ачилович Усманов – СамДАҚИ “Қурилиш иқтисодиёти ва менежмент”
кафедраси профессори в.б., т.ф.н.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИНИ ҚЎЛЛАШ

Аннотация. Мазкур мақола стандартлаштириш тизимининг либераллашуви шароитида қурилишда техник тартибга солиш масаласига бағишланган. Мақолада қурилиш соҳасида ўз-ўзини тартибга солувчи ташклотларнинг ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатиши, мақсадлари ва функциялари кўрсатилган. Ўзбекистонда ушбу тажрибани қўллаш имкониятлари ва истиқболлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: миллий стандарт, ихтиёрийлик, ўз-ўзини тартибга солиш, қурилиш, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот.

Кириш. 2022 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 33-ялпи мажлисида техник тартибга солиш соҳасида йирик қадам қўйилди, яъни янги таҳрирдаги «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни маъқулланди. [1] Ушбу қонуннинг ишлаб чиқилиши ва ҳуқуқий амалиётга жорий этилиши тадбиркорлик ва реал иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари учун катта аҳамиятга эга.

Давлатнинг хўжалик субъектлари маҳсулотларига қатъий талаблари инновацион ривожланиш суръатларининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Янги таҳрирдаги қонунда «давлат стандарти» тушунчаси мажбурий бажариш маъносини англагани боис хорижий тажрибаларга таянган ҳолда «миллий стандарт» тушунчасига ўзгартирилмоқда, яъни уларни қўллашда ихтиёрийлик тамойили киритилмоқда. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангандан сўнг 30 000 минг давлат стандартларидан 18 мингдан ортиғи мажбурий тусдан ихтиёрийликка ўтади. [1] Бундан ташқари халқаро, минтақавий ва хорижий стандартларни Ўзбекистонда қўллаш енгиллашмоқда, яъни уларни тўғридан-тўғри қўллаш имкониятлари кенгайтирилади.

Қонунчиликдаги ушбу янгилик давлатнинг тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ролини камайтириш билан бирга тадбиркорлик субъектларининг техник тартибга солиш соҳасидаги масъулиятини кескин ошишига олиб келади. Энди бозорда тенг рақобатлаша олишга эришиш учун маҳсулот (иш, хизмат) сифатини ва харидорғирлигига бозор иштирокчиларнинг талабларини бажариш ва уларни таъминлаш бўйича янгича тизим яратиш муаммоси долзарб бўлади. Айниқса, қурилиш соҳасига оид стандартлар ҳамда меъёрлар ва қоидаларнинг бажарилшини таъминлашда корхоналарнинг ягона сиёсатини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда миллий стандартлаштириш тизимининг либераллашуви уларни қўллашда бир қанча ўзгаришларни амалга оширишни талаб қилади, яъни: тадбиркорлик субъектлари томонидан тан олинадиган стандартларни яратиш тартиби қандай бўлади? Стандартларни қўллаш ихтиёрийлиги шароитида маҳсулот (иш, хизмат) сифатини ким кафолатлайди? Ҳалол тадбиркорлар манфаатларини ким қандай ҳимоя қилади? Иқтисодиётнинг реал соҳаларида, хусусан қурилишда рақобатнинг бозор механизми қандай қўлланилади?

Ушбу вазифани бажаришда ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг аҳамияти катта. Ўз-ўзини тартибга солиш фаолияти тадбиркорлик ва касбий субъектлари учун стандартлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва белгилашни ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш ва манфаатларини ҳимоя қилишни қамраб олади. Унинг моҳияти давлат стандартлари талабларини тўлдириш ва бозор механизмлари шароитида стандартлаштириш фаолиятининг самарадорлигини оширишдан иборат. Ўз-ўзини тартибга солиш тажрибаси шуни кўрсатадики, ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар (ЎТТ)

нотижорат ташкилотлар, ассоциация ёки жамоат бирлашмалари шаклида тузилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Хорижий адабиётларда ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг илмий-услубий моҳияти кўплаб олимлар томонидан таҳлил қилинган. И.А.Каюмов Россияда ЎТТларнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг қурилшдаги фаолияти ва вазифаларини кўрсатиб ўтган. [2] Шунингдек, ушбу муаммонинг турли қирраларига Ю.И.Мхитарян [3], В.В.Романова [4]ларнинг изланишлари бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасидаги ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларнинг фаолиятини мукамал ташкил қилиш учун жаҳон тажрибасини ўрганиш, уни танқидий таҳлил қилиш ва мамлакатимиз шароитларига мослаштириш долзарб масала ҳисобланади. Кўпчилик бозор муносабатлари ривожланган давлатларда ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар узоқ тарихга эга бўлиб, бугунги кунда қурилиш соҳасидаги техник сиёсатни юритувчи асосий куч сифатида тан олинади.

Тадқиқот методологияси. Хорижий мамлакатларда қурилиш соҳасидаги ЎТТларни таҳлил қилиш нафақат бу масалага бағишланган илмий адабиётларни таҳлил қилиш, балки ушбу ташкилотларнинг фаолиятини уларнинг расмий сайтлари, низомлари, ташкилий тузилмалари ҳамда оммавий ахборотлардаги маълумотлари орқали ўрганишга асосланади. Ривожланган мамлакатларда ўз-ўзини тартибга солиш тушунчаси XIX асрнинг охири XX асрнинг бошидан ҳуқуқий амалиётга киритилган бўлиб, ЎТТлар иқтисодийнинг ажралмас қисмига айланган. Шу муносабат билан уларнинг тажрибаси Ўзбекистонда нодавлат фаолиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшиши мумкин. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантаний фикрлаш, гуруҳлаш, таққослаш, танланма кузатиш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Америка Қўшма Штатларида стандартлаштириш соҳасидаги мувофиқлаштириш ролини миллий стандартлар бўйича Америка институти (American national standards institute (ANSI) ўйнайди. Қурилиш соҳасида касбий бирлашмаларга 26 000 фирмаларни бирлаштирган Америка бош пудратчиларнинг ассоциацияси (Associated General Contractors of America (AGC)), 90 000дан ортиқ аъзоларни бирлаштирган Америка архитекторлар институти (American Institute of Architects (AIA)), 140 000дан ортиқ аъзолари бўлган турар жой қурилиш миллий ассоциациясини (National Association of Home Builders (NAHB)) ни кўрсатиш мумкин. Ушбу ташкилотларга аъзо бўлиш ихтиёрий бўлса-да, қурилиш бозоридаги кучли рақобат деярлик барча қурувчиларни аъзо бўлишга ундайди. Мазкур нотижорат ташкилотлари ўз аъзоларига фаолият юритишнинг замонавий стандартларини жорий қилиш, энг юқори даражадаги дизайнга эришишга ёрдам бериш, ҳар йили юзлаб малака ошириш курслар орқали ходимларнинг рақобатбардошлигини ошириш, инновацион ҳамкорлик таклиф қилиш билан шуғулланади [5].

Буюк Британиянинг ҳар бир таркибий қисми бўйича ўзининг қурилиш тартиби қонуний кучга эга: Англия ва Уэльсда Building Act 1984, Шотландияда Building Act 20037 ва Шимолий Ирландияда Building Control Act 19908. Қурилиш соҳасидаги асосий ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот - Буюк Британия уй қурилиш миллий кенгаши (National House Building Council (NHBC)). Бу мустақил ташкилот қурилиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш билан бирга ўн йиллик Buildmark кафолатини таъминлаб беради, яъни турар жой ўн йил муддатгача сифат кафолатида бўлади. Мутахассисларнинг фикрича ушбу ташкилот ёши ўн йилгача бўлган уйлар бўйича йилига 15 000 гача эътирозларни ҳал қилишга муваффақ бўлади [6].

Японияда қурилишда техник тартибга солишнинг нотижорат ташкилотларидан энг йириги – бу фуқаролик қурилиши муҳандисларининг Япония жамияти (Japan Society of Civil Engineers (JSCE)). Ушбу ташкилотга 1914 йилда асос солинган бўлиб, бугунги кунда унинг аъзолари 39 000 дан ошди. [7] Янги асрда ушбу ЎТТ асосий мақсадларига келажак ижтимоий инфратузилмасига муҳандис-қурувчилар ғояларини таклиф қилиш, жамият билан мустақам муносабатлар ўрнатиш, илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш, тегишли стандартлар бўйича томонларнинг бирдамлигига эришишни киритган.

Канадада қурилиш меъёрлари бўйича миллий кодекслар мавжуд, жумладан Миллий архитектура-қурилиш кодекси (the National Building Code) ва Миллий ёнғинга қарши

кодекс (the National Fire Code). Бошқа давлатлар каби Канадада ҳам йирик касбий уюшмалар мавжуд, масалан Канада қурилиш ассоциацияси (The Canadian Construction Association (CCA) ўзида 20 000 аъзоларни бирлаштиради. У нафақат касбий стандартларни жорий қилиш балки миллий стандартларни ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этади. [8]

Россия Федерацияси тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак қурилишда ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотларнинг жадал ривожланиши 2010 йил 1 январдан қурилиш соҳасида лицензиялаш тиртибининг бекор қилиниши билан боғланади. Ушбу қарорнинг қабул қилинишида қурилиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини пастлиги, соҳада коррупциянинг мавжудлиги, кўплаб бюрократик тўсиқлар каби сабаблар катта таъсир кўрсатди. Савдо санот палатаси қошида тадбиркорлик ва профессионал фаолиятнинг ўз-ўзини тартибга солиш бўйича Кенгаш ташкил қилинган бўлиб мамлакатдаги барча соҳалардаги ЎТТлар фаолияти мувофиқлаштирилади. Бугунги кунда қурилиш соҳасида ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар йирик вакили бўлмиш “Қурувчиларнинг миллий уюшмаси” ассоциацияси (“НОСТРОЙ”) 225 та ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотларни бирлаштиради. Ассоциацияга 98 000дан ортиқ қурилиш, лойиҳа ва бошқа компаниялар аъзо бўлганлар, бу эса қурилишда фаолият кўрсатаётган компанияларнинг 50%дан ортигини ташкил қилади. [9] Бизнинг фикримизча, “НОСТРОЙ” ассоциациясининг муҳим жиҳатларидан бири қурилиш соҳасида миллий стандартларни ишлаб чиқишда иштирок этиш билан бирга кўплаб касбий талаблар ва меъёрларнинг амалиётга жорий қилишидир.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотларнинг фаолиятини ўрганиш бир қанча ўхшаш томонларини кўрсатади: [10] ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотлар бўйича умумий қонунни мавжуд эмаслиги, балки тармоқ қонунчилиги билан тартибга солиниши; ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотлар бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда шаклланганлиги ва давлат қонунчилиги билан боғлиқ жойи йўқлиги; жаҳон тажрибасида мажбурий ва ихтиёрий аъзолик моделлари қўлланилиши мумкин; айрим давлатларда қурувчилар билан бирга истеъмолчи ташкилотлар ҳам ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар аъзолари бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда ЎТТларнинг фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шароитлар яратилган десак бўлади. Буларга Фуқаролик кодексида нотижорат ташкилотлари турларига таъриф берилиши, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонунларнинг мавжудлиги, техник тартибга солиш соҳасига оид кўплаб Фармонлар ва Қарорларнинг қабул қилинганлигини киритиш мумкин. Қурилиш соҳасида “Шаҳарсозилк кодекси”, “Ягона қурилиш регламенти” каби меъёрий ҳужжатлар ҳам ўз-ўзини тартибга солишга шароитлар яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида " ... техник тартибга солиш соҳасидаги миллий ҳужжатларни хорижий норматив ҳужжатлар билан уйғунлаштириш, бино ва иншоотларнинг хавфсизлиги ва энергия тежамкорлигини ошириш, объектнинг ҳаётий даври мобайнида инновацион технологияларни қўллашга йўналтирилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бино ва иншоотларнинг хавфсизлиги бўйича умумий техник регламентни ишлаб чиқиш” мақсадлари белгиланган. [11]

Белгиланган мақсадларга эришишда қурилишда ЎТТларни шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкиллаштириш катта аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, ЎТТ лар ривожланишининг эволюцион йўли Ўзбекистон учун жуда машаққатли ва кўп вақтни оладиган жараён бўлиши мумкин. Шу сабабли, лойиҳаси эълон қилинган “Тадбиркорлик ва профессионал фаолиятнинг ўз-ўзини тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишини жадаллаштириш лозим. Ташкилий жиҳатдан ЎТТларни ташкил қилишда ташаббус кўрсатувчиларни аниқлаштириш муҳим масала ҳисобланади. Бунда бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишда ҳаракат қилиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- савдо-саноат палатасининг имкониятларидан кенг фойдаланиш. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини бирлаштирувчи бу энг йирик нотижорат ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми ҳам, ресурслари ҳам бу вазифа учун етарли. Савдо-саноат палатаси барча

тармоқларда ЎТТларнинг шаклланишига бошчилик қилиши лозим бўлади;

- қурилиш ташкилотларининг профессионал бирлашмаларининг шаклланиши. Бунда йирик қурилиш ташкилотлар ташаббус кўрсатиши ва соҳадаги техник тартибга солиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олиш талаб қилинади. Бугунги кунда Ўзбекистонда бундай йирик қурилиш компаниялар бор, ammo уларнинг ижтимоий масъулият даражаси соҳада юқори сифатга эришиш мақсади учун етарли ривожланмаган;

- қурилишдаги кичик бизнес субъектларининг ташаббускорлиги негизида ЎТТни ташкил қилиш. Бунда қурилиш бозоридаги рақобатнинг кучайиши кичик бизнес ва микрофирмаларга жиддий хавф туғдириши оқибатида улар маълум нотижорат ташкилий тузилмаларни шакллантирадilar. Ушбу йўналишда муаммонинг моҳияти кичик бизнесда сифатга бўлган қарашларининг устувор ахамиятга эғалигида. Сифат сиёсати соҳа даражасига кўтарилиши корхоналарнинг ўзлари стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни бажаришга туртки бўлиши лозим.

Ўзбекистон қурилиш бозорида очиқлик сиёсатининг олиб борилиши, маҳаллий компанияларнинг халқаро рақобатбардошлигининг оширилиши, қурилиш соҳасининг моддий-техник базасини замонавийлаштириши, инсон ресурсларининг салоҳиятининг ошириши ва давлатнинг изчил стратегияси қурилишда яқин келажакда ЎТТларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида асосий омиллар бўлади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати сайти. <https://senat.uz/uz/lists/view/4963> кириш санаси: 25.10.2022
2. Каюмов И.А. Саморегулирование в сфере строительства: Учебное пособие /И.А. Каюмов. – Казань: Изд-во Казанск. гос. архитект.-строит. ун-та, 2015. – 107 с.
3. Мхитарян Ю.И. Теория приоритетного развития саморегулируемых организаций и актуальные проблемы совершенствования законодательства // Электронный научный журнал «Век качества». 2022. №1. С. 10-25.
4. В.В.Романова. Правовое регулирование строительства и модернизации энергетических объектов. Дисс.юр.наук, 2012 г.
5. American Institute of Architects сайти. <https://www.aia.org/pages/3711-about-the-aia>
6. <https://www.nhbc.co.uk/>
7. <https://www.jsce-int.org/about>
8. <https://www.cca-acc.com/about-us/>
9. <https://nostroy.ru/>
10. А.Ф.Масалаб. Правовое обеспечение деятельности саморегулируемых организаций (сравнение опыта стран «большой семерки») <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-obespechenie-deyatelnosti-samoreguliruemyh-organizatsiy-sravnenie-opyta-stran-bolshoy-semerki>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6119-сон Фармони.
12. Usmanov.I.A, Buriyev X.T. A development strategy for the construction industry in Uzbekistan: organizational aspects of implementation. Недвижимость: экономика, управление. Международный научно-технический журнал. 4 / 2021 – с. 70-74. <http://n-eu.ru/ru/issue/list-neu-4-2021>

<p>И.Усманов</p> <p>Применение мирового опыта саморегулирования в сфере строительства</p> <p>Аннотация. Данная статья посвящена задаче технического регулирования в строительстве в условиях либерализации системы стандартизации. В статье показаны деятельность, цели и функции саморегулируемых организаций в развитых странах. Сделан анализ возможностей и перспектив этого опыта в Узбекистане.</p> <p>Ключевые слова: национальный стандарт, добровольность, саморегулирование, строительство, саморегулируемая организация (СРО)</p>	<p>I.Usmanov</p> <p>Application of world experience of self-regulation in the construction industry</p> <p>Abstract. This article is devoted to the problem of technical regulation in construction in the context of the liberalization of the standardization system. The article shows the activities, goals and functions of self-regulatory organizations in developed countries. An analysis of the opportunities and prospects of this experience in Uzbekistan is made.</p> <p>Keywords: national standard, voluntariness, self-regulation, construction, self-regulatory organization (SRO)</p>
--	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023